

**НЕМИС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА КОМПЛИМЕНТ СЎЗЛАР:  
ИФОДА ВОСИТАЛАРИ ВА ФУНКЦИОНАЛ ТУРЛАРИ****Наргизахон Мухтаровна ҚОДИРОВА**

Тадқиқотчи

Андижон давлат университети

Андижон, Ўзбекистон

**СЛОВА-КОМПЛИМЕНТЫ В НЕМЕЦКОМ И УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКАХ:  
СРЕДСТВА ВЫРАЖЕНИЯ И ФУНКЦИОНАЛЬНЫЕ ТИПЫ****Наргизахон Мухтаровна КОДИРОВА**

Научный сотрудник

Андижанский государственный университет

Андижан, Узбекистан

**COMPLIMENT WORDS IN GERMAN AND UZBEK LANGUAGES:  
MEANS OF EXPRESSION AND FUNCTIONAL TYPES****Nargizaxon Muxtarovna QODIROVA**

Researcher

Andijan State University

Andijan, Uzbekistan

UDC (УЎК, УДК): 811-115: 811.112.2'  
811.512.133

**For citation (иктибос келтириш учун,  
для цитирования):** Қодирова Н.М.  
Немис ва ўзбек тилларида комплимент  
сўзлар: ифода воситалари ва функционал  
турлари// Ўзбекистонда хорижий тиллар.  
— 2021. — № 2 (37). — Б.106-120.

<https://doi.org/10.36078/1636524838>**Received:** February 15, 2021**Accepted:** April 17, 2021**Published:** April 20, 2021

Copyright © 2021 by author(s) and  
Scientific Research Publishing Inc.  
This work is licensed under the Creative  
Commons Attribution International License  
(CC BY 4.0).

<http://creativecommons.org/licenses/by/4.0/>

**Аннотация.** Мақолада комплимент сўзларнинг одоб-ахлоқ меъёрларига мутаносиб хусусиятлари изоҳланган ҳамда уларнинг коммуникатив мақомини белгилаш муҳимлиги таъкидланган. Хусусан, тил аспектларини чоғиштирма аспектда ўрганиш тадқиқот объектининг ўзига хос функционал хусусиятларини белгилашга имкон беради. Мазкур тадқиқотда морфологик структураси турли бўлган немис ва ўзбек тилларида комплимент сўзларнинг ўрни ва уларнинг турдош сўзларлардан фарқини аниқлаш, унинг ифода воситалари қай тарзда намоён бўлиши ва бу воситаларнинг тил тизимида тутган ўрнини белгилашга доир назарий хулосалар умумлаштирилган. Немис ва ўзбек тилларида комплимент сўзларнинг намоён бўлиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилиб, ўзбек ва немис тилларида нуткий актининг хусусиятларини шахслараро фаолиятга боғлиқ функционал жиҳатлари таҳлилий ўрганилган.

**Калит сўзлар:** комплимент сўзлар; немис тили; ўзбек тили; тилшунослик.

**Аннотация.** В статье рассматриваются слова-комплименты как один из видов речевого акта в немецком и узбекском языках. Автор, описывая особенности его этикета и анализируя некоторые аспекты общения, утверждает, что изучение свойств слов-комплиментов требует большого внимания в связи с их неоднозначным коммуникативным статусом, поскольку важно изучать и анализировать проблемы иностранных языков по отношению к проблемам родного языка. Основная цель данной работы — определить роль слов-комплиментов в языках с различной морфологической структурой, их выражение и роль в

языковой системе. Анализ представляет информацию об использовании слов-complimentов в немецком и узбекском языках, а также анализ речевых актов, то есть функциональных аспектов межличностной активности посредством слов-complimentов.

**Ключевые слова:** слова-complimentов; немецкий язык; узбекский язык; языкознание.

**Abstract.** The study deals with compliment words as a speech act in the German and Uzbek languages. The author states that the study of the properties of compliment words requires great attention due to its ambiguous communicative status as it is important to study and analyze the problems of foreign languages in relation to the issues of the native language. The main purpose of this work is to determine the role of compliment words in languages with different morphological structure, its expression and role in the language system. The study provides extensive information on the use of compliment words in German and Uzbek languages, as well as the analysis of the speech acts, i.e. the functional aspects of interpersonal activities through compliment words.

**Keywords:** compliment words; the German language; the Uzbek language; linguistics.

**Кириш.** XX аср охири — XXI аср бошларида тилшунослик тадқиқот объектлари доирасининг сезиларли даражада кенгайгани билан ажралиб туради. Антропология, психология, социология, маданиятшунослик ва бошқа бир қатор фанларнинг интеграциясиз бугунги кунда тил ўрганишда муҳим натижаларга эришиш мумкин эмаслигини англаган ҳолда фаннинг асосий вазифаси — тилнинг қандай қўлланилиши муаммосини алоҳида тадқиқ этиш каби масалалар жаҳон тилшунослигининг ўрганилиши зарур бўлган мавзуларига айланмоқда. Мақолада комплимент сўзлар нутқий бирлик сифатида универсаллик касб этувчи лингвистик ҳодиса тарзида тадқиқ этилади. Чунки бу воқелик ифода воситаларининг тилларда шаклланган категориялари аксарият ҳолларда микроконтекстда ўзини намоён этади. Зеро, комплимент сўзлар морфологик ёки фонологик сатҳда эмас, балки синтактик сатҳда тўлалигича юзага чиқади. Демак, комплимент сўзлар инсон нутқий фаолияти билан чамбарчас боғлиқ ва бу сўзларни нутқий вазиятсиз тасаввур қилиш қийин. Аслида, муайян сўзларнинг ифодаси сифатида шаклланган барча тил воситаларини нутқда бажарган вазифалари билан боғлайдилар. Шундай ҳолатда ҳар бир воқелик ифода воситалари тизимида тутган ўрнини, унинг мавқеини ва қандай мақсадни кўзлаб ишлатилаётганини аниқ тасаввур қилиш мумкин.

Мақолада илмий ва назарий қарашлар асосида комплимент сўзларнинг маъно қуршовидаги тил бирликларини модаллик сўзлари сифатида чоғиштира таҳлил қилиш, комплимент сўзлар маъносининг ўзбек ва немис тилларида қандай лисоний воситалар билан қўлланилиши борасида мулоҳаза юритилади.

Комплимент сўзларга оид сўзларни ҳар тарафлама ўрганиш семасеология комплимент сўзлар, ҳурмат-эҳтиром тамойилларининг амал қилиш хусусиятларини очиқ бериш баробарида улардан фойдаланишнинг мақбул усулларини ёритиб беради. Бундан ташқари комплимент сўзларни чуқур ўрганишнинг муҳим аҳамиятга моликлиги бу мавзуда хорижда бажарилган илмий ишлар миқдори ва кўлами билан ҳам ўз тасдиғини топади. Интерактив фаолиятда

“Комплимент сўзлар ва унга билдирилган жавоб ҳаракатлари” ҳодисасининг таснифлаш тамойиллари ва амалиёти соҳалар интеграцияси асосида амалга оширилганлиги билан бунгача ўтказилган илмий тадқиқотлардан ажралиб туради. Олмон тили материали асосида, хусусан кино ва видеофильмлар, радио пьесаларни таҳлил этилиши ишнинг назарий қийматини белгилайди. Айниқса, комплимент сўзларнинг нутқ акт иштирокчилари мулоқотида намоён бўлиши; ижтимоий, маданий, миллий, маънавий, маърифий ва биологик хусусиятларга алоқадорлиги асосида юзага келадиган сифатлари тилшуносликнинг замонавий парадигмалари ривожига муайян ҳисса қўшади. Комплимент сўзлар олмон тилининг назарий курсларида, прагмалингвистикада, амалий машғулотларда, мулоқот лингвистикаси бўйича махсус курсларда, таржима назарияси ва амалиёти машғулотларида ҳамда маданиятлар ва миллатлараро коммуникация соҳасида фаолият кўрсатишда кенг қўлланилади.

**Асосий қисм.** Комплимент сўзлар тил тизимида ўз ўрнига эга бўлган, асрлар оша шаклланган сўзлардир. Бу тил бирликлари тилшуносликда ўзига хос лингвистик, семантик, прагматик хусусиятларга эга бўлган алоҳида воқелик сифатида қаралади. Тадқиқотнинг мақсади морфологик структураси турли бўлган ўзбек ва немис тилларида комплимент сўзларнинг ифода воситалари қай тарзда намоён бўлишини илмий таҳлил қилиш орқали комплимент сўзлар маъно қуршови доирасидаги тил бирликларини алоҳида аспект сифатида тадқиқ этишдир. Комплимент сўзлар аслида универсаллик касб этса-да, таржима жараёнида тиллараро трансформация асосида, ўз структурасини ўзгартириши кузатилади (13, 28). Ижобий маънодаги комплимент сўзлар сифатида қараладиган муайян тил бирликларини алоҳида маъно доирасида ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Турли тилларга оид луғатларда комплимент сўзларга турлича таъриф берилган:

а) **комплимент сўзлар** — бирор кишига таъмагирлик билан хизмат қилиш, юзаки иззат-икром, мақташ ва шу каби сўзлар (20, 137);

б) **комплимент** — (фр. compliment). Эҳтиром, хушомад, мақтов мазмунидаги сўзлар (24, 58);

в) **комплимент сўзлар** — хушмуомалалик юзасидан кимнидир хурсанд қилиш ёки унга ўз ҳайратини ифодалаш учун айтиладиган самимий сўз. *Langenscheidts GroBwörterbuch Deutsch als Fremdsprache* (16, 91) ва б.

Юқорида келтирилган таърифлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, рус ва немис тилида комплимент сўзлар бир шахснинг иккинчи шахсга нисбатан билдирган ёқимли ва дўстона фикридир. Айни шахснинг ижобий хусусиятлари, муваффақиятлари ёки ташқи кўринишини кўрсатувчи воқеликнинг сўзловчи нутқи орқали ифодаланишидир. Ўзбек тили луғатларида эса комплимент сўзларнинг фақат салбий жиҳатига эътибор қаратилиб, ижобий маънода ҳам нутқни безовчи восита бўла олиши инобатга олинмаган. Одамларнинг илтифот билдириш ниятлари ҳақидаги тасаввурларни таҳлил қилиш тадқиқот учун кенг имконият беради (10; 32). Мақтовлар суҳбатда бошқа одам билан ижтимоий муносабатларга эга бўлишга ёки ўзаро алоқани сақлаб қолиш учун қўлланилади, лекин баъзан одамлар “комплимент манипуляцияси” деб номланган стратегиядан фойдаланадилар (10, 35). Инсонлар бу

техникадан фойдаланиб, ўз хоҳиш-иродасини бажариши ёки ундан бирор нарса олишлари мумкин.

Гапнинг модал аспекти борасидаги А. Нурмоновнинг фикрлари комплимент сўзлар маъно куршовини модаллик сўзлари сифатида белгилашга асос бўла олади (19, 83) Н. М. Шанский лексеманинг субъектив муносабат ифода этувчи маънолари қаторига комплимент сўзлар схемасини ҳам киритади (18, 15). Олмон тилшуноси Бернард Муло Фаренкиа комплимент сўзларни ижтимоий муносабатлар белгиси сифатида ўрганади.

Комплимент сўзлар баъзан тилёғламалик шаклида ҳам қўлланилади. Бу масалага аниқлик киритиш учун у ёки бу тилда мавжуд ифода воситалари ва мазкур воситалар орқали ўз мазмун-моҳиятини очиш салоҳиятига эга бўлган ҳар қандай лингвистик воқеликни сўз шаклида талқин қилиш мумкинлигини яна бир марта эслатиб ўтмоқчимиз. Жумладан, сон, инкор, замон, келишик, модаллик ва бошқа қатор тил бирликларининг ўз ифода воситаларига эга бўлиши ва уларнинг маълум бир тизимни ташкил қилиши адабиётларда айтиб ўтилган (6, 44). Тўғри, айрим тилшунослар, жумладан, С. Вайсмен (27), П. Жуза (27) ва С. Рухи (23) хушмуомалалик, инсон шахсини шарафловчи тил унсурлари мавжуд бўлишига қарамай, зикр этилган воқеликларни тил бирликлари сифатида эътироф этишга мойиллик билдирмайдилар. Аслида эса комплимент сўзлар тарихий заруриятдан юзага келган, тингловчи руҳиятига таъсир этувчи лингвистик ҳодисадир. Бундай сўзлар инсоннинг ички кечинмаларини, роҳат-фароғатини сезиш асосида манфаатларга етиш йўлидаги хусусиятларини ифодаловчи восита сифатида ўзини намоён этади.

Кўплаб тадқиқотларда комплимент жавоблар таҳлил марказида бўлса-да, тадқиқотчилар комплимент сўзларнинг юзага келиши сабабларига камроқ эътибор беришган. Бу — қисман услубий масала. Мактов сўзларни алоҳида-алоҳида ўрганиш тадқиқотчиларга интерактивларнинг комплимент кетма-кетлигида биргаликда қандай иштирок этишлари тўғрисида кузатишлар ўтказишга имкон бермайди. Бундай текшириш адабиётда маъқул бўлган ва қўлланиладиган нутқ ва суҳбатнинг аналитик ёндашувлари билан назарий жиҳатдан мос келмайди (яъни комплимент жавобларни тушуниш, аввало, уларнинг кетма-кетлигини ўрганишни талаб қилади). Комплимент сўзларнинг кенг қамровли усулини ўрганиб чиққан олим Голато (11, 27) немисча комплимент сўзлар кетма-кетлигини кузатганда, сўзлар асосий ички тузилишга эга эканлигини кўрсатади. Яъни мактовлар баҳоланадиган атрибутлар ёки хусусиятлар ёки объектларга нисбатан ҳаволани ўз ичига олади. Шу маънода, мактов — баҳо бериш ва улар, ўз навбатида, ижобий баҳолар. Мактовлар йўналтирувчи — ўзаро таъсирли роль ўйнайди, чунки у илтифот олувчиларга мактовларни тушунишга ва шу орқали уларга жавоб беришга имкон беради. Яъни илтифот нима ҳақида ва бу сўзларни тингловчи қандай жавоб бериши ўртасида рефлексив муносабатдир. Померантз (21, 79) тадқиқотида “Комплимент сўзларга жавоблар, аввалги илтифотларга келишув ёки келишмовчиликлар сифатида шаклланадиган иккинчи баҳо сифатида намоён бўлади”, — дея изоҳлайди.

Комплимент сўзлар қайси тилда бўлмасин, ҳар қандай ҳолатда ҳам инсонлар ўртасидаги муносабатларни юзага чиқаришга қаратилган воқеликдир. Улар бирор шахсга қаратилган мактаб

айтилган сўз бўлиб, тингловчига сўзловчининг самимий ҳурматини ифодаловчи лингвистик феномен ҳисобланади. Комплимент сўзлар — суҳбатни очиш, уни йўналтиришнинг анчайин содда ва фойдали шаклидир. Комплимент сўзлар мурожаат қилинаётган одамнинг комплимент сўз эгасига нисбатан эътибори ва қизиқишини уйғотади, шу орқали суҳбатдошлар ўртасида илиқ муносабат пайдо бўлади. Комплимент сўзлар икки томон учун ҳам фойдали, сўзловчи суҳбатни яхши йўналтиради, шакллантира олади. Комплимент сўзлар нафақат икки инсон ўртасидаги ўзаро муносабатларни мустаҳкамлайди, балки тингловчининг кайфиятини кўтариш ва унинг диққатини сўзловчига қаратиш учун ҳам хизмат қилади. Бундай ҳолатларда ушбу тил унсури иллокутив вазифа бажаради. Комплимент сўзларни турли ҳолатда турлича қабул қиладилар. Баъзилар қизариб кетадилар, ўзларини ноқулай ҳис қиладилар ёки киноя маъносида тушунадилар. Комплимент сўзларга турли нутқий вазиятларда турлича жавоблар қайтарилади, аксарият ҳолларда комплимент сўзларга жавоб сўзловчи ва тингловчининг кайфиятига, улар руҳиятига ҳамда сўзловчининг тингловчини ўзига қарата олишига боғлиқ бўлади.

Комплимент сўзларга жавоб нутқий ёки экстралингвистик шаклларда намоён бўлади ва бу шаклларнинг мазмун муносабати икки тоифада бўлади. Комплимент сўзларга жавоб розилик ва норозилик аломатлари билан ифодаланади. Кўп ҳолларда розилик аломатлари кулгу, табассум орқали ифодаланади. Бундай сўзларга норозилик билдирилса, одатда, у комплимент сўзлар қабул қилаётган шахснинг юз ифодасида акс этади. Баъзан тингловчи муносабатни аниқлашга ҳаракат қилади. Бундай ҳолларда ўртада қисқа сукунат пайдо бўлиши мумкин. Демак, тингловчи бу комплимент сўзларни рад этмайди ҳам, қабул қилганлигини ифодаламайди ҳам. Комплимент сўзларга билдирилган муносабат турли миллатларда фарқланади. Хитойликларда комплимент сўзларни рад этишни “йўғ-э”, “ошириб юбордингиз”, “кўп мақтаб юбордингиз” деган сўзлар орқали ифодалаш одат бўлса, Европада, аксинча, комплимент сўзларни миннатдорчилик билан, “о, раҳмат” сўзлари орқали қабул қилинади (5, 20).

Шу нарса муҳимки, самимийлик билан айтилган комплимент сўзларга нисбатан очиқ муносабат билан жавоб қайтариш лозим. Комплимент сўзлар дўстона суҳбат муҳитини яратади. Комплимент сўзларга дарҳол худди шундай сўзлар билан жавоб бериш талаб этилади. “Сиз жуда ҳам эътиборли экансиз” ёки “бу соҳада сизга тенг келадигани йўқ”. Баъзан эса жавоб бериш учун қулай пайт келиши кутилади.

Комплимент сўзлар юзаки ёки ёлғондан бўлиши ҳам мумкин. Фақат самимий баён этилган бундай сўзлар билан мурожаат қилинаётган шахснинг ижобий хусусиятларини очиш мумкин. Комплимент сўзлар бошқа шахсни руҳлантиришдир. Унинг ўзи ҳақидаги фикрларини ижобий томонга ўзгартиради, руҳлантиради. Кузатиш орқали шахснинг ижобий томонлари танланади ва унга комплимент сўзлар билан мурожаат қилинади. Масалан:

*Муҳтарам: Қалай, бардаммисиз? Соғлигингиз дурустми?*

*Камолов: У ер ёққанга ўхшайди, семириб, рангингиз ҳам хийла тозаланиб қолибди.*

*Камолов: Ҳа, чакки бўлмади, анча даволандим. Сўраганингиз учун раҳмат, кўнглимни анча кўтардингиз (26, 54).*

Комплимент сўзлар мактовдан фарқ қилади. Мактовда бир шахснинг бирор ишда муваффақиятга эришганлиги эътироф этилади. Бунда ҳар икки томон манфаатдор бўлади. Комплимент сўзлар эса инсонларнинг бир-бирига бўлган симпатиясини билдиради, бунда комплимент сўз айтувчи шахс манфаатдор бўлиши мумкин. Бундай сўзлар қаратилган одам ўзини яхши ҳис қилади. Дарҳақиқат, комплимент сўзлар одамнинг ўзлигини ҳис қилишига ёрдам беради.

Кўплаб тадқиқотлар аёлларга нисбатан ишлатилган комплимент сўзларга бағишланган; улар аёлларнинг ўзини ўзи қадрлаши ва ташқи қиёфасига бўлган таъсирга эътибор қаратадилар (4, 33). Воган ҳамда Париси (28, 29) тадқиқотида илтифотнинг уч умумий субтопикасини кашф этиш мумкин: маҳорат, ташқи кўриниш ва материализм (28, 21; 28).

Эркак-аёл муносабатида, эркаклар аёлларга нисбатан “ёқимли”, “ростданми”, “жуда ёқимли”, *danke, danke schön* комплимент сўзлар орқали кўпроқ нутқ актига мос ҳолда жавоб берадилар. Лекин эркаклар орасида ўзаро комплимент сўзларни айтиш одатий ҳол эмас. Кўпчилик эркаклар “Агар индамасам, ҳаммаси жойида” деган фикрда бўладилар. Аёллар эса бунинг акси, комплимент сўзларни ёқтирадилар, уларга комплимент сўзларни айтиш нафақат мумкин, балки керакдир. Мавжуд тадқиқотларда аёллар кўпинча ўзларини ҳурмат қилиш ёки эътиборни жалб қилиш учун илтифот ва мактов сўзлардан фойдаланишлари тўғрисида маълумотлар келтирилган (14, 24). Бу каби тадқиқотлар аёлларга, одатда, уларнинг ташқи кўринишига қараб баҳо берилиши, мактов сўзлари қўлланилиши, эркакларга эса материалистик мактовлар хослигини кўрсатади (7, 68).

Комплимент сўзлар қаратилган одам эса ўзини қулай ҳис қилади ва ўз-ўзига ишончи ортади. Айниқса, ишқий муносабатларда ўзига хос атмосферани юзага келтириб, ўзаро бир-бирига мойиллик борлиги англашилади. Комплимент сўзларнинг чин юракдан ёки юзаки қилинаётгани дарҳол билинади. Инсондаги деярли барча нарсага нисбатан комплимент сўзлар қилиш мумкин: ташқи кўриниш, хатти-ҳаракат, уй, иш, болалар, автомобиль ва бошқалар.

— *Бу лутфингиздан жуда мамнунман, саркор. Ишонинг, саркорнинг марҳаматлари мен учун энг муҳим манба.*

— *Зирагингиз гоятда гўзал экан, хоним афандим, мен бунақасини сира ҳам кўрмагандим!*

— *Биллурни тилла илга осиб қўйсам бўлар экан, деб ўзим ўйлаб топдим. Уни худди шабнам томчиси деб ўйлаш мумкин, тўғрими? Ўз журъатидан ўзи лол қолган Дюруа, яна аҳмоқона бирор гап айтиб қўймай деб секингина жавоб берди.*

— *Жуда ноёб сирга, лекин сизнинг қулогингизгина унинг чиройини очиб турганга ўхшайди!* (17, 89)

*Дадавой: Атто лекин, зап милтиса эканми? Отган ўқи хато кетмади-я!*

*Хакимжон: Ўзингиз ҳам чакана мерган экансиз-да* (26, 68).

Комплимент сўзлар қаратилган инсоннинг шахсий хусусиятлари, хислатлари ва хатти-ҳаракатларига нисбатан қўллansa, шу қадар таъсири кучли бўлади. Чунки чиройли кўйлақдан кўра ёқимли кулгини, ҳозиржавобликни ва эпчилликни комплимент сўзлар билан ифодалаш ёқимлироқдир. Бунинг учун комплимент сўзларни ҳар икки томон ижобий маънода қабул қилиши қузатилади.

Баъзи инсонларда ўзларига нисбатан мақтов сўзларни эшитишга мойиллик юқори бўлади. Бу эса ўша одамнинг ўз-ўзига ишончи йўқлигини билдириб қўяди. Комплимент сўзлар орқали инсонлараро муносабатлар дўстона тус олиши мумкин. Улар баъзан тўғридан-тўғри эмас, балки “прагматик” айтилади. Масалан, тушликка таклиф қилинган меҳмон: “*Бугун ажойиб кун бўлди*” деса, нафақат куннинг яхшилиги, балки мезбоннинг ҳам ҳаракатлари, уринишлари эътибордан четда қолмагани билдирилади.

Бир халқнинг маданиятида комплимент сўзлар мавжуд бўлган нарсаси, иккинчи халқ маданиятида тилеғламалик бўлиб қабул қилиниши мумкин. Олмонларнинг комплимент сўзларга кам мурожаат қилишлари Камерунликларда ҳурматсизлик ҳисобланади. Камерунлик аёлларга нисбатан “*Сиз ой каби нур таратяпсиз*” деган комплимент сўзлар қўлланилса, Олмониялик моддий таъминланган фуқарога “*катта дарахт*” комплимент сўзи орқали мурожаат этилса, хурсанд бўлади (29, 15).

Комплимент сўзларга турли муносабатда бўлиш жамиятнинг олам тасвирини акс эттиради. “Олмония — Камерунга нисбатан замонавий мамлакат. Бизда ҳаёт секинроқ ўтади, одамлар бири-бирига комплимент сўзлар орқали мурожаат қилишга кўпроқ вақт топадилар: иш шахсий ҳаёт билан боғланиб кетган”, — дейди тадқиқотчи Бернард Муло Фаренкиа (8, 28). Комплимент сўзлар инсонлараро муносабатга тегишлидир: “*Бу ўйин, кимки ўйинда қатнашмаса, тезда четда қолиб кетади*”. Олмонияда эса комплимент сўзлар кам, кўпинча оддий мақтовлар қўлланилади.

Гумбольдт стипендияси совриндори, яундалик тилшунос Бернард Муло Фаренкианинг кузатишича, “аёл-эркак” муносабатида комплимент сўзлар Африкада ҳам, Олмонияда ҳам бир хил ишқий хусусиятга эга бўлади (8, 34). Ҳар қандай тил бирлиги фалсафий нуқтаи назардан ўз шакли ва мазмунига эга бўлади. Ҳар бир комплимент сўзлар объектив оламдаги бирор нарсаси ва воқеанинг субъектда акс этиши ифодасидир.

Таҳлил мобайнида комплимент сўзларнинг қуйидаги турлари таснифланди:

- ота-онанинг фарзандга комплимент сўзлари,
- эркак-аёл муносабатига оид комплимент сўзлари,
- йигит-қиз муносабатига оид комплимент сўзлари,
- устоз-шогирд муносабатига оид комплимент сўзлари,
- раҳбар-ҳодим муносабатига оид комплимент сўзлари,
- катталарнинг болаларга комплимент сўзлари,
- меҳмондорчиликдаги комплимент сўзлари,
- совчиларга хос комплимент сўзлари,
- келинларга хос комплимент сўзлари,
- касбларга хос комплимент сўзлари.

Комплимент сўзларнинг муҳим хусусиятларидан яна бири улар ҳамма вақт аниқ объектларга қарата айтилишида кўзга ташланади. Айтилган ҳар бир комплимент сўзлар ё аниқ шахс, ё бир гуруҳ кишиларга йўналтирилган бўлади. Ўзининг асрий анъаналари ва усулларига тўла амал қилиб келаётган ҳар бир ўзбек ёки немис ўзининг кундалик турмушида, шахсий ҳаётида кўплаб комплимент сўзларга мурожаат этади.

Юқорида комплимент сўзларни ахборот берувчи омил дея таъкидладик, бу восита комплимент сўзлардаги икки нарсаси: ҳаракатни бошлаш ёки муайян фаолиятни якунлашда ўзини намоён этади.

Комплимент сўз, сўз бирикмаси ёки гапларни ҳар биримиз деярли ҳар куни нутқимизда қўллаймиз, лекин тилшунослар бунини алоҳида лисоний ҳодиса сифатида баҳолаган эмаслар. XX асрнинг охирига келиб лингвистик тадқиқот йўналишлари ва мавзулари тилнинг мулоқот пайтида ўзини қандай намоён қилиши билан боғлиқ муаммоларни қамраб олишга ва уларнинг амалий ечимини топишга қаратилгани билан характерланади. Шу пайтгача коммуникатив жараён қай тарзда юз бериши ва қандай омиллар воситаси билан амалга ошириши сир бўлиб, эндиликда бу масалалар кўпчилик олимларнинг, жумладан, тилшуносларнинг ҳам диққат-эътиборини торттириб келмоқда.

— *Отинг нима, катта йигит?*

— *Анвар.*

— *Оҳ, отинг ҳам ўзингга ўхшаб чиройли экан (9, 59).*

*Das hat dein Vater keinen schlechten Sohn. Alles Gute, mein Freund.*

Комплимент сўзлар ҳар бир тилда мавжуд бўлса-да, аксарият кўпчилик учун бу мавзу янгилик сифатида намоён бўлмоқда. Комплимент сўзлар кўп ҳолларда суҳбатдошнинг ташқи кийёфасига боғлиқ бўлади, шунинг учун комплимент сўзлар маъносидаги гаплар “яхши”, “аъло” ёки “зўр кўринишга эга бўлмоқ” каби комплимент сўзлар ифодаланган бирликлар билан берилади. Демак, кимнингдир шаънига айтилган илиқ сўз, самимият, ҳурмат белгисидир. Бу сўзларнинг асосий вазифаси — кишилар орасидаги ихтиёрий муносабатларнинг меҳр тўла кўпригини мустаҳкамлаш, сўзловчининг эътибори қаратилган шахсга нисбатан ишонч ҳиссини юксалтиришдир.

Шу билан бирга, комплимент сўзлар тингловчининг кайфиятини кўтарди, мулоқотчига нисбатан очиқ табиатлилини юзага келтиради. Турли тилларда комплимент сўзлар бўлгани каби унга бериладиган жавоб реакцияси ҳам бўлиши табиий.

Комплимент сўзлар структуравий, яъни тузилиши жиҳатдан сўзлар, сўз бирикмалари, гап ёки контекст орқали ифодаланиши мумкин. Уларга бериладиган жавоб реакцияси ҳам худди шу каби воситалар орқали берилади.

*Ўрмонжон гап кетаётганда, бу гапларнинг ҳаммаси мақтов сўзлар деб қовоғини солиб ўтирган Тўпаниса ўзи ҳақидаги мақтовга келганда, оғзининг таноби қочди: Мен, унга нима қилибман? — деди.*

*Ҳамдам: (мазрур мўйловини бураб) Етмиш нима? Юздан гапиринг!*

*Ҳамро: О сиз-э! Ҳақиқатан ҳам, йигитсиз, йигит! Гапингиз мард йигитларнинг гапи бўлди (26, 64).*

Бу мисолдан англашиладики, қизда комплимент сўзлар эгасига нисбатан жуда катта ҳурмат бор ва жавоб реакцияси оддий сўзлар билан, яъни ўзини олиб қочиш билан чегараланган.

### **Ота-она ва фарзандлар ўртасидаги комплимент сўзлар**

Ҳар бир инсон, аввало, ўз нутқида эътибор бериши лозим. Инсон кўнглини кўтариш муайян маънода мушкул вазифа эканлиги ҳикматли сўзларда кўп бор таъкидланган. Лекин баъзан оддийгина илиқ, самимий сўзлар билан ҳам кифояланилади. Инсон нутқи қанча гўзал, илиқ ва самимий бўлса, инсонлар орасидаги меҳр-муҳаббат ришталари шунча мустаҳкам бўлади. Ота-она ва фарзандлар ўртасидаги комплимент сўзлар орқали мулоқот жараёнида болаларнинг кўнглини кўтаришга ҳаракат кузатилади. Шу ўринда мисолга мурожаат этамиз:

“Роҳат (устидаги янги кўйлакни кўрсатиб): Кўйлагим қалай бўлибди? Яхшими?”

Муҳтарама: Вой, янги кўйлагинг битдими? Жуда яхши, қизим, жуда ҳам яхши! Буюрсин!

Роҳат: Раҳмат, ярашибдимми?

Муҳтарама: Ярашганда қандоқ, худди қуйиб қуйгандек!

Роҳат: Сизга ёққан бўлса, ҳаммага ёқади. Янги мода (ойнакка қараб жилмаяди). Чиройли қизингиз бор-а, ойижон!

Муҳтарама: Ҳа чиройлисан, қизим, жуда ҳам чиройли. Қадди-қоматинг келишган, суқсурдек қизсан. Дунёдаги энг чиройли қиз менинг қизим, кўз тегмасин!” (26, 396)

Ушбу мисолда қиз онадан, деярли, ҳеч нарса сўрамаган, фақатгина бир оғиз ширин сўзини кутган. Она ҳам, ўз навбатида, ўзининг сўзлари билан қизининг кўнглини кўтаради, унинг руҳиятини оширади.

Ота-онанинг фарзандга нисбатан ортиқча мақтовга оид сўзлари, эркалашлари болани тантик, эркатой, қайсар қилиб қўйиши Саид Аҳмаднинг “Уфқ” романидаги Жаннат хола ва Турсунбой муносабатларида жуда жонли ва реал тасвирлаб берилган:

“Онанинг гаплари Турсунбойга малол келди.

Бўлди, кўп гапираверманг. Миямни ачитиб юбордингиз.

Ўғлининг аччиқланаётганини кўриб она сергакланди.

— Хўп, хўп, болам. Энди гапирмайман. Борсанг яхши бўларди. Ҳамма ўртоқларинг ўша ерда. Охунбобоев отам ҳам келибдилар.

Бола эснаб ўрнидан турди. Она уйга кириб дазмолланган янги даструмол, тахтакачдан тушган маргилоннусха дўппи олиб чиқди.

У кўча эшигига йўл оларкан, она аллақандай, сира таърифлаб бўлмас меҳр билан орқасидан қараб қолди.

— Чой ичмадинг-ку, чойгинангни ичмадинг-ку, тентагим” (2, 209).

Фарзандларидан кўп бор айрилган она ёлғиз ўғлига нисбатан жуда меҳрибон. Аммо мисолда кўриниб турганидек, ўғил онага фарзандлик меҳрини кўрсатмайди.

“Лейтенант минбардан тушиб Умматалининг олдига келди-да:

Шундай қаҳрамон ўғил ўстирганингиз учун раҳмат!” — деб уни кучоқлади”(2, 311).

Шу ўринда яна бир нарсани айтиб ўтиш керакки, яхши фарзанд ўстиргани, уларни яхши тарбиялагани учун, кўпинча, ота-онага ҳам комплимент сўзлар билан мурожаат қилинади. Масалан, “отангга балли”, “отасига раҳмат”, “онасига раҳмат” каби бирикмаларни тез-тез учратишимиз мумкин.

### **Раҳбар-ходим муносабатига оид комплимент сўзлар**

Комплимент сўзларнинг бу турида тингловчининг кўнглини кўтариш эмас, кўпинча, сўзловчининг ўз фойдасини кўзлаши назарда тутилади. Одатда, мансабдор шахс ёки раҳбарга қаратилган комплимент сўзлар хуш қабул қилинади, ҳатто, агар комплимент сўз қилмасалар, иш битмаслик ҳоллари ҳам кузатилади.

Қиз: (рўпарага ўтириб) Соғлиқлар қалай, Махмуд ака! — деди комплимент сўзлар билан. Бекмирзаев: (негадир қилт этиб ютинди-да) Раҳмат, яхши, — деди ва ичида бу энди даромад ...кўнглига қаттиқ тегмай, ҳамирдан қил суғургандек иш битирмоқчи, деб ўйлади.

Шийпон олдидаги ялангликда иккита «Волга» олдинма-кетин келиб тўхтади. Ундан биринчи бўлиб ёши олтмишларга бориб

қолган, оппоқ юзли, бағбақаси галстугининг туғуни устидан тошиб чиққан, салобатли бир киши келиб тушиди.

— Оббо сен-эй, — деди меҳмон. — Зўр боласан-да.

— Шогирдингизман-да, Ҳожжи ака. — Расулбек ялтоқланиб йўл бошлади (1, 42).

Раҳбар-ходим ўртасида фақат ҳар бир томон ўз мақсадини кўзлаш учунгина эмас, балки раҳбар томонидан ходимни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш мақсадида ҳам комплимент сўзлар кенг қўланилади.

Бундан асосий мақсад ходимнинг ўзига бўлган ишончини кучайтириш ва шу орқали иш унумини орттириш кўзда тутилган.

“Охунбобоев мамнун илжайди-да, чой ичиб ўтирган Эш полвон олдиға келиб, елкасига қоқди.

— Ориятингга балли, Эшмуҳаммад. Сендан жуда хурсандмиз.

— Охунбобоев шундай деб ён чўнтагидан кафтдек қутича олиб очди. Бу қумуш ён соат эди.

— Атайин Фарғонадан исмингни ёздириб келдим. Бу сенга канал штабининг мукофоти.

— Бир нима демоқчимидингиз, полвон?

— Нима ҳам дердим. Биз каналга ишлагани келганмиз, қандақа иш бўлса айтаверинг, йўқ деган номард. Эрта-индин канал ҳам битиб кетади. Ана ундан кейин бундай ишни қайдан топамиз, Ота.

— Гапнинг ўғил боласини айтдингиз, полвон. Сиздан худди шунақа жавоб кутган эдим. Балли!” (2, 209).

Охирги жумлада раҳбар ходимни руҳлантириш, кайфиятини янада кўтариш мақсадида ишчининг ўз хусусияти, яъни полвонлигига ишора қилади. Бундан ҳам қаноатланмай, “балли” ундов сўзини қўллайди.

Бу комплимент сўзлар тури энг кўп тарқалган бўлиб, интеракция билан боғлиқ ҳолда амалга ошади. Комплимент сўзлар инсоннинг ташқи киёфасига баҳо бериш орқали ҳам ифодаланади. Бу ҳолат асосан эркак ва аёл ўртасида содир бўлади.

**Эркак-аёл муносабатига онд комплимент сўзлар**

“*La dich umarmen, Anna, es ist natürlich noch viel zu kalt, aber es erinnert mich daran, das es so etwas wie Frühling geben soll*”. (Қучоғимга олишга рухсат бер, Анна, ҳаво анчагина совук, бироқ бу менга баҳорни эсга соляпти) (3, 27).

Комплимент сўзларнинг бу тури бадий адабиётлардагина эмас, кундалик ҳаётимизда ҳам кўплаб учрайди. Ёш, гўзал, латофатли аёл ё кизларни кўрганда, ҳеч қайси эркак ўзини комплимент сўзлар айтишдан тўхтата олмайди. Аммо бу борада энг яхши комплимент сўзлар самимий ифодаланган комплимент сўзлардир.

“Ой юзли рафиқам, қундуз қошли маъшуқам Қумуш хонимга!”

“Чарос каби қоп-қора кўзинг, кўзларингга ой беркинибди.” (Мирмуҳсин)

Машҳур немис олими ва адиби, академик Альфред Курейла профессор Лазиз Қаюмов билан бўлган суҳбатда бундай дейди: “Мени Навоий ижоди билан марҳум дўстим Ғафур Ғулом таништирган эди. Навоий — ғоят буюк шоир. Унинг “Фарҳод ва Ширин” достонини немис тилига таржима қилганим билан фахрланаман” (15, 5).

*Die schönste jungfrau sitzt.* — Кўз илғамас қоя ичида.

*Dorf oben Wunder bar.* — Соҳибжамол, ажойиб бир қиз.

*Ihr goldnes Geschmeide blitzet.* — Заррин либос ёнар устида.

*Sie kammt ihr goldenes Haar.* — Зар кокили учар тутқисиз.

Аёлларга комплимент сўзлар кўпинча уларнинг хусни жамолига қаратилган бўлади.

— Сиз хуснингизга ишонасиз. Масжид бузилса, меҳроби қолади, дейишади. Қариганингизда ҳам ёш йигитлар оёғингиз тагида ўралашиб юришига ишонасиз. Сиздақалар қари қиз бўлиб қолмайди. Кечирасиз, қанча ойлик оласиз? — Мирвали шундай деди-ю чакки сўрадим, деб пушайман қилди.

— Бир юзу етмиш сўм оламан.

— Кам экан. Бир юзу етмиш сўм пардоз-андозингизга ҳам етмайди-ку. Агар мен ҳукумат бўлсам, хуснингиз учун ойлигингизга яна уч юз сўм қўшардим.

Таҳлилларимиз шуни кўрсатдики, немис тилида бу тарзда ифодаланадиган комплимент сўзлар кам қўлланилади. Улар кўпроқ шахснинг ишчанлик, пунктуаллик каби хислатларига эътибор берадилар ва шунга яраша комплимент сўзлардан фойдаланадилар.

#### **Меҳмондорчиликдаги комплимент сўзлар**

“Отанинг боласи-да ” — деб Зиё шоҳичи меҳмонларга қараб қўйди.

Умри узоқ бўлсин — деди Акрам ҳожиси. — Йигитларимиз ичида энг ақллиги экан. Агарда хон кўтариши маним қўлимда бўлса эди, хон қилиб Отабекни кўтарар эдим!” (22, 59)

#### **Совчиларга хос комплимент сўзлар**

Комплимент сўзларнинг бу турида аксарият ҳолларда тавсифлаш усулидан фойдаланилади ва шу орқали келин ёки куёвга, уларнинг оила аъзоларига баҳо берилади.

“17 ёшда, Хожарнинг қизи. Оқ-қизил пўст, қора кўз, қора соч, ўрта бўй. Ширинсўз, шўхчан, лабининг устида бир дона холи бор” (Ҳамза, “Бой ила хизматчи”) (12).

Мазкур таъриф-тавсифларни, комплимент сўзларни ўхшатиш учун ҳам атайлаб гапга чечан, сўзамол, оқ-қорани танийдиган тажрибали инсонлар вакил қилиб юборилади. Чунки икки томон ўртасидаги муносабатларни юзага келтиришда совчиларнинг роли катта бўлади. Демак, улардан тил материалидан ўринли фойдаланиб, бўлажак қудалар томонга нисбатан илиқ комплимент сўзларни топиб мурожаат қилишлари ҳам талаб этилади.

“Она кўриб қиз ол, қирғоқ кўриб бўз ол”, деганларидек, онаси оқила, саришта аёл бўлгандан кейин қизи ҳам шундай бўлади, деб қўлчиликка келдик, айланай.”

Ёки: Майиз аёлнинг қизи ҳам майиздек бўлади-да!

Ёки: Бизда булбул, сизда бир гул бор экан, шунга харидор бўлиб келдик, ўргилай (оғзаки сўзлашувдан).

Баъзан эса совчиларнинг комплимент сўзларни қўллаш, куёв ёки келинни мақташ борасидаги калималари “қош қўяман деб кўз чиқариш” қабилида тескари таъсир қилиши ҳам мумкин:

Ялтироқ рўмолини бошига чамбарак қилиб ўраган, йигитнинг аммасиман деб ўзини таништирган аёлнинг гапларини эшитиб оғзим очилиб қолди:

— Жияним Молия институтини тугатди. Ҳозир катта банкда ишлайди. 15 сотих ҳовли, бир гектар қўлулнай, 50 сотих помидор иссиқхонаси бор. Егани олдиди, емагани кетида бўлади. Шу ҳовлида кўзи очилмаган бир мушукча бор, деб қўлчиликка келдик. Дарахтни тепсанг, қиз ёғилади, бир ўқиган таннозни олиб, қош-қовоғига қарагунча кўзи очилмагани яхши.

*Бошқа гаплари қулогимга кирмади. “Мушукча”, “мушукча” деган садолар вужудимни титратарди. Томдан ташласа ҳам тик тушиб жонидан ўтганида бигиллаб пана жойга қочадиган қўшимизнинг ола мушукчаси ёдимга келди.*

*— Йўқ, ўша кўзи очилмаган мушукча ўзимизга керак. Ҳали узатмаймиз, — деб совчиларни кузатдим.*

Комплимент сўзлар — алоқа жараёнида бир қатор функцияларни бажарадиган, инсоний муносабатларни уйғунлаштиришга қаратилган мураккаб, ўзаро таъсир воситаси. Комплимент сўзлар беқарор бўлиб, алоқа ҳолатига қараб ўзгаради.

**Хулоса.** Мазкур мақолада комплимент сўзлар маъно қуршовидаги тил бирликлари модаллик сўзлари сифатида ҳамда бу сўзлар маъносининг ўзбек ва немис тилларида қандай лисоний воситалар билан қўлланилиши таҳлилга тортилди. Айтиш жоизки, немис тилида комплимент сўзлар кам қўлланилиб, кўпроқ шахснинг ишчанлик, пунктуаллик каби хислатлари эътироф этилади. Ўзбек тилида эса меҳмондорчиликда, совчиларга ва келинларга хос комплимент сўзлари фаол қўлланилиши кузатилди.

Комплимент сўзлар ҳақида сўз юритилар экан, аввало, бирон лингвистик воқеликни сўзлар сифатида намоён бўлиши учун у ҳам ифода, ҳам мазмун планига эга бўлиши зарурлигини таъкидлаш лозим. Хусусан, комплимент сўзларни лингвистик сўзлар сифатида белгиланишининг сабаби ҳам шундаки, у тилдаги муайян сўз ва гаплар орқали, аниқроғи, жумлалар таркибида амалга оширилади.

Комплимент сўзлар тил ва тафаккур муносабатларининг бир кўриниши сифатида тилнинг коммуникатив функцияси ҳақидаги илмий-назарий тушунчаларни ривожлантиришга, ҳар бир воқелик ифода воситаларининг тизимида тутган ўрнини, унинг мавқеини ва қандай мақсадни кўзлаб ишлатилаётганини аниқ тасаввур қилишга хизмат қилади. Комплимент сўзлар инсон нутқий фаолияти билан чамбарчас боғлиқ ва бу сўзларни нутқий вазиятсиз тасаввур қилиш қийин.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Аҳмад С. Уфқ. — Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. — 686 б.
2. Аҳмад С. Жимжитлик. — Тошкент: Ўзбекистон, 2006. — 320 б.
3. Burger, J. M., Soroka, S., Gonzago, K., Murphy, E., & Somervell, E. The effect of fleeting attraction on compliance to requests// *Personality and Social Psychology Bulletin*, 2001. vol. 27, pp. 1578–1586.
4. Calogero, R. M., Herbozo, S., & Thompson, J. Complimentary weightism: the potential costs of appearance-related commentary for women's self-objectification // *Psychology of Women Quarterly*, 2009. — v. 33, issue 1, 120-132 pp. doi:10.1111/j.1471-6402.2008.01479.
5. Chen R. Responding to compliments: A contrastive study of politeness strategies between American English and Chinese speakers // *Journal of Pragmatics*, 1993. — vol. 20, pp. 49-75.
6. Czopp A. M. When is a compliment not a compliment. evaluating expressions of positive stereotypes // *Journal of Experimental Social Psychology*, 2008. — 44 (2), pp. 413-420. Retrieved from <http://ezproxy.csp.edu/login?url=http://search.proquest.com/docview/214801669?account id=26720>.
7. Doohan E. M., & Manusov V. The communication of compliments in romantic relationships: An investigation of relational satisfaction and sex

- differences and similarities in compliment behavior // *Western Journal of Communication*, Vol. 68, Issue, 2004. — pp. 170-194.
8. Farenkia B.M. Décliner une offre en français au Cameroun// *Lingue e Linguaggi*, 2015, vol.13, 28-34 pp. DOI: 10.1285/i22390359v13p163
9. Файзий Р. *Ҳазрати инсон*. — Т.: Фафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1978. — 520 б.
10. Grant N. K., Fabrigar, L. R., & Lim, H. Exploring the Efficacy of Compliments as a Tactic for Securing Compliance// *Basic and Applied Social Psychology*, vol. 32 (3), 2010. — pp. 226-233.
11. Golato A. Compliments and compliment responses: Grammatical structure and sequence organization. Amsterdam: John Benjamins Publishing, 2005. — 248 p.
12. Ҳамза. “Бой ила хизматчи”. - Т.: Фафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1918. — 82 p.
13. Holmes J. Compliments and compliment responses in New Zealand English // *Anthropological Linguistics*, 1988. — vol. 28, pp. 485-508.
14. Jones A. M., & Buckingham J. T. Self-Esteem as a Moderator of the Effect of Social Comparison on Women’s Body Image. *Journal of Social and Clinical Psychology*, 2005. — pp. 1086-1109.
15. Курелла А. Буюк шоирнинг қайта кашф этилиши //Шарк юлдузи, журнали, 2014. № 5. — Б.162–169.  
<https://saviya.uz/ijod/adabiyotshunoslik/buyuk-shoirning-qayta-kashf-etilishi/#>
16. Langenscheidts GroBwörterbuch Deutsch als Fremdsprache. — München: Langenscheidt, 2008. — 660 s.
17. Мопассан Ги Де. Азизим (Иброҳим Ғафуров таржимаси). — Т.: Янги аср авлоди, 2016. — 539 б.
18. Шанский Н. М. Лексикология современного русского языка: учебное пособие. — 4-е изд., доп. — Москва: URSS: Либроком, 2009. — 305 с.
19. Нурмонов А. Структур тилшунослик: илдизлари ва йўналишлари. — Тошкент: Таълим, 2009. — 83 б.
20. Ўзбек тилининг изохли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Жилд 2./ Таҳрир хайъати: Т. Мирзаев (раҳбар) ва бошқ.; ЎзР ФА Тил ва адабиёт ин-ти. — Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2007. — 680 б.
21. Pomerantz A. Compliment responses: Notes on the cooperation of multiple constraints. In J. N. Schenkein (Ed.), *Studies in the organisation of conversational interaction*. New York: Academic Press, 1978. — pp. 79-112.
22. Қодирий А. Ўткан кунлар. — Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994. — 209 б.
23. Ruhi S. Higher-order Intentions and Self-Politeness in Evaluations of (Im)politeness: The Relevance of Compliment Responses. *Australian Journal of Linguistics*, 2007. — pp. 107-145.
24. Русча-узбекча луғат. — Тошкент, 1983. — 58 б.
25. Усмонов Ў. Номус (А. Ширванзаде асари таржимаси). — Т.: Янги аср авлоди, 2017. — 272 б.
26. Уйғун. Сўнгги пушаймон. — Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1955. — 189 б.
27. Wiseman, C. S., & Juza, P. Compliment response behaviors of ESL and bilingual speakers in an urban college// *Linguistics Journal*, 2013. — pp. 68-88.
28. Wogan P. & Parisi C. Gender and Compliment Topics. *Women & Language*, 2006. — pp. 21-28.

29. Wolfson N. Compliments in cross-cultural perspective. *TESOL Quarterly*, 1981. — pp. 117-124.

### References

1. Ahmad S. *Jimjitlik (Quietness)*, Tashkent: Uzbekistan, 2006, 320 p.
2. Ahmad S. *Ufk. (Horizon)*, Tashkent: Adabiyot va sanat nashriyoti, 1979, 686 p.
3. Burger J. M., Soroka, S., Gonzago, K., Murphy, E., & Somervell, E. *Personality and Social Psychology Bulletin*, 2001, 1578-1586 pp.
4. Calogero R. M., Herbozo S., & Thompson, J. *Psychology of Women Quarterly*, 2009, 33 (1), pp. 120-132, doi:10.1111/j.1471-6402.2008.01479.
5. Chen R. *Journal of Pragmatics*, 1993. - pp. 49-75.
6. Czopp A. M. When is a compliment not a compliment. evaluating expressions of positive stereotypes. *Journal of Experimental Social Psychology*, 2008, 413 p. Retrieved from <http://ezproxy.csp.edu/login?url=http://search.proquest.com/docview/214801669?accountid=26720>.
7. Doohan E. M., & Manusov V. *Western Journal of Communication*, 2004, pp. 170-194.
8. Farenkia B.M. *Lingue e Linguaggi*, 2015, pp. 28-34.
9. Fayziy R., Hazrati inson (*His Majesty the Man*), Tashkent: Gafur Gulom nomidagi adabiyot va sanat nashriyoti, 1970, 59 p.
10. Grant N. K., Fabrigar, L. R., & Lim, H. *Basic & Applied Social Psychology*, 2010, 226 p.
11. Golato A. *Compliments and compliment responses: Grammatical structure and sequence organization*, Amsterdam: John Benjamins, 2005, 27 p.
12. Hamza. *Boy ila xizmatchi (The Bey and The Servant)*, Tashkent: Gafur Gulom nomidagi adabiyot va san'at nashriyoti, 1918, 82 p.
13. Holmes J. *Anthropological Linguistics*, 1988, 485-508 pp.
14. Jones A. M., & Buckingham J. T. *Journal of Social & Clinical Psychology*, 2005, pp. 1086-1109.
15. Kurella A. *Sharq yulduzi*, 2014. № 5, pp. 162-169.
16. Langenscheidts GroBwörterbuch Deutsch als Fremdsprache, Langenscheidt, München, 1998, 660 p.
17. Mopassan, G.D., *Azizim* (Bel-Ami) (Ibrohim Gafurov's translation), Tashkent: Yangi asr avlodi, 89 p.
18. Sanskii N. M. *Russian Lexikology (Lexicology of the modern Russian language)*, 2009, 305 p.
19. Nurmonov A. *Struktur tilshunoslik: ildizlari va yo'nalishlari (Structural linguistics: roots and directions)*, Nukus: NukPI, 2008, 83 p.
20. *Uzbek tilining izohli lugati: 80000 dan ortiq suz va suz birikmasi (The Explanatory Dictionary of Uzbek Language)*, vol. 2, Tashkent: "Uzbekiston milliy ensiklopediyasi" Davlat ilmiy nashriyoti, 2007, 680 p.
21. Pomerantz A. *Studies in the organisation of conversational interaction*. New York: Academic Press, 1978, pp. 79-112.
22. Qodiriy A. *Utkan kunlar (Bygone Days)*, Tashkent: Adabiyot va sanat nashriyoti, 1994, 209 p.
23. Ruhi S. *Australian Journal of Linguistics*, 2007, pp. 107-145.
24. *Ruscha-uzbekcha lugat (Russian-Uzbek Dictionary)*, Tashkent, 2003, 58 p.

25. Usmonov U. *Nomus (Namus)*, (the translation of A. Shakhrazade's novel), Tashkent: Adabiyot va sanat, 39 p.
26. Uygun. *Sunggi pushaymon* (The Last Regret), Tashkent, 1955, 396 p.
27. Wiseman C. S., & Juza P. Compliment response behaviors of ESL and bilingual speakers in an urban college. *Linguistics Journal*, 2013, pp. 68-88.
28. Wogan P., & Parisi C. *Women & Language*, 2006, pp. 21-28.
29. Wolfson N. Compliments in cross-cultural perspective. *TESOL Quarterly*, 1981, pp. 117-124.